



Хонободдан таралаётган «ДУНЁ САДОЛАРИ»

Фестиваль

Андижоннинг энг хушманзара гўшаши – Хонобод шаҳрида «Дунё садолари» халқаро миллий эстрада санъати фестивали бўлиб ўтмоқда.

Халқимизнинг бетакрор санъатини, ўзига хос миллий қадрият ва анъаналарини ҳамда туризм салоҳиятини намойиш этаётган фестивалнинг очилиш маросимида Маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков, Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов сўзга чиқиб, фестивалнинг анъанавий тарзда ўтказилиши мазкур йўналишдаги ишларни юқори босқичга кўтаришни алоҳида қайд этишди.

Фестивалнинг очилиш тадбирида қатнашчилар «Доктор Албан», Boney M, Otawan гуруҳи каби жaxon эстрада юлдузлари, шунингдек, Му-

каррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат ракс ансамбли, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров, мақом усталари ҳамда бахшилар чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

– Юртимизда шундай сўлим маскан бор экан, – дейди тадбир иштирокчиси Рўзбой Шухратов. – Хушманзара табиат қўйида чет эллик санъаткорлардан тортиб, элимиз ардоғидаги эстрада номояндларининг чиқишлари барчага бир дунё завқ улашяпти. Фестиваль баҳона шундай маскани кашф этаймиз.

Халқаро миллий эстрада санъати фестивали давом этмоқда. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган бадий жамоалар ҳам ўз концерт дастурларини намойиш этишмоқда.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Анжуман

Зомин илҳомлари

Ватанимизнинг энг сўлим, илҳомбахш гўшаларидан бири бўлмиш Зомин туманидаги «Ўриклисой» оромгоҳида ёш ижодкорларнинг Зомин республика семинари ўз ишини бошлади.

Бу семинар, 25 йилдирки, истеъдодли ёшларни кашф этиш ва юзага чиқаришда улкан мактаб вазифасини ўтаб келаётган. Бу мактабнинг бошланғичида сабоқ олган ёшлар орасидан етишиб чиққан кўплаб истеъдодли шoirлар, ёзувчилар ва адабиётшунослар бугун адабиётимиз равнақиға ўз хиссаларини қўшишмоқда.

– Бу йилги анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 160 нафарга яқин ижодкор иштирок этмоқда. Шундан 90 нафари иқтидорли ёшлардир, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими раҳбари Меҳрибон Абдурахмонова. – Хусусан, ёш иқтидорларга таълим беришга ихтисослашган Ҳамид Олимжон



ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номли ижод мактаблари ўқувчилари ҳам ушбу нуфузли тадбирда иштирок этишмоқда.

Семинарнинг очилиш маросимида мамлакатимизда амалга оширилаётган

кенг қамровли ислохотлар адабиётда ҳам ўзининг ёрқин самараларини бераётгани, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг иқтидор ва қобилиятларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

– Жиззахдан жуда кўплаб ижодкорлар етишиб чиққан, – деди Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Акмалжон Саурбаев. – Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Ҳаким Назиров, Оқилжон Хусанов каби ижодкорларнинг номи китобхонларга яхши таниш. Ёшларнинг ижодий парвозида муҳим ўрин тутадиган ушбу анжуман давлатимиз раҳбари томонидан адабиёт ва ижод аҳлига, ёш истеъдодларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, китоб ва китобхонликка эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Уч кун давом этадиган семинар доирасида республикамизнинг таниқли ижодкорлари иштирокида давра суҳбатлари, мушоиралар, адабий жанрлар бўйича шўъбаларда машғулотлар, маҳорат дарслари, табиат қўйнига саёҳатлар ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

Директор вазифасига тикланди

Олтиариқ туманидаги 2-сонли ДМТТ директори лавозимида ишлаб келган Г.Мухторова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилиб, ўзига нисбатан қонунга зид равишда иш тутилгани масаласида кўмак сўради.

Маълум бўлишича, боғча мудираси билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2022 йил 14 декабрь кунги №279-к-сонли буйруғига кўра, бекор қилинган.

Ўрганишлар давомида иш

берувчи Г.Мухторовани ғайриқонуний равишда ишдан бўшатгани аниқланди. Шундан сўнг ходимни ишга тиклаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан Г.Мухторова Олтиариқ тумани мактабгача ва мактаб таълими бўли-

мига қарашли 2-сонли ДМТТ директори лавозимида ишга тикланиб, унга мажбурий прогул учун 17 млн. 500 минг сўм иш ҳақи ва маънавий зарар учун 5 млн. сўм пул маблағлари ундириб берилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси

Наманган вилояти

Ҳалоллик тантанаси

Намангандаги «Uz Chasis» қўшма корхонасининг Сифат назорати ва стандартлаштириш дирекциясида ишлаб келган Собитхон Отахонов ҳамда Қуёшбек Хурбоев ўзлари ишдан ноҳақ бўшатилгани сабабли Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашига арыз қилишди.

Аризада «...автоваз моделида нуқсонли маҳсулотни аниқлаб, харидорга ўтказмаганимиз сабабли иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилди. Аслида бизларнинг вазифамиз нуқсонли бор маҳсулотни аниқлаб, унинг камчи-

лигини кўрсатиб беришдан иборат» деб ёзилган эди.

Қолаверса, ходимлар ишдан бўшаш тўғрисидаги аризани ҳам ўз хоҳишларига кўра ёзишмаган. Аммо меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда «ходимнинг ташаббусига кўра, бекор қилинсин» деб ёзилган.

Ушбу иш юзасидан мутахассис сифатида жалб этилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши юристи Мавлонбек Зарипов даъвогарлар ўз хоҳишига кўра ишдан бўшамаганини, ҳужжатлар ўрганиб чиқил-

ганда, аризада меҳнат шартномасини бекор қилиш куни ҳам кўрсатилмаганини аниқлади. Бу борада касаба уюшмаси томонидан киритилган тақдимнома талаби иш берувчи томонидан бажарилмагани инobatта олинди, иш судга оширилди.

Касаба уюшмалари тафтиши сабабли судда ходимлар манфаати устун келди ва улар иш жойига қайта тикланди.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Устувор йўналишлар таҳлили



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши фаолиятининг биринчи ярим йиллик якунлари юзасидан видеоконференция шаклидаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ касба уюшмасининг ҳудудий кенгаш раислари, раёсат ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, кенгаш ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда тармоқ касба уюшмаси ҳудудий кенгашларининг Устав талаблари асосида белгиланган вазифаларга оид маълумотлари тақ-

Раёсат йиғилиши

дим этилди. Хусусан, Навоий ва Хоразм вилояти тармоқ касба уюшмаси ҳудудий кенгашларининг биринчи ярим йилда амалга оширган ишлари, Республика кенгаши фаолияти юзасидан тармоқ Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов маърузаси тингланди.

Йиғилишда ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсиз, қулай меҳнат шaroитларини яратиш борасида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг назорати бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида ҳам маълумотлар берилди. Шунингдек, тармоқ касба уюшмаси Андижон ва Наманган вилояти ҳудудий кенгаши бошланғич ташкилотларда «Ешларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар Дастури» ижроси юзасидан таҳлилий сўз юритилди.

Кун тартибида белгиланган бошқа масалаларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раъно МАҲКАМОВА «ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари касба уюшмаси Самарқанд (Жиззах, Навоий) вилояти кенгашининг аъзолик афзалликлари ҳусусида ўнлаб мурожаатига «миқ» этмай келаётган ташкилот ниҳоят инсофга келибди, шекилли, эътирозли бўлса-да, жавоб хати жўнатибди. Унда мутасадди ўзи шундоқ ҳам боши ғалвадан чиқмаётгани, ходимлар билан бир неча бор судлашгани, бу ўринда жамоат ташкилоти корхонада ортиқчалигини баён этган эди.

Муаммонинг ечими – мулоқот

– Сирождин ака, шу ташкилот раҳбари билан юзма-юз гаплашиб олмасак бўлмайди, – деди Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари касба уюшмаси Самарқанд (Жиззах, Навоий) вилояти кенгаши раиси Олимхон Мирзаев. – Биланма, ўзини олиб қочади, қабул қилмайди. Аммо йўлини топмасангиз бўлмайди. Бизга аъзоликдан кўра, у ерда меҳнат қилаётган юздан ортиқ ходимнинг меҳнат ҳуқуқи таъминланиши муҳим.

Шундан сўнг Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари касба уюшмаси Самарқанд (Жиззах, Навоий) вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Сирождин Иззатуллаев мазкур ташкилотга йўл олди. Воқеалар ривожига эса кенгаш раиси айтганидек бўлди. Котиба корхона раҳбари ҳеч кимни қабул қилмаётганини айтди. Шунда Сирождин Иззатуллаев ўйлаб келган усулни ишга солди.

– Синглим, бир оғиз гапимни раҳбарингизга етказсангиз бўлди, ўзим киришим шарт эмас. Бу одам Конституциянинг 2-моддасига хилоф иш тутаяпти. Шунга айтиб қўйсангиз, – деди ва қабулхонадан чиқиб кетди.

Аммо корхона биносини тарқ этмасидан котиба қиз югуриб келиб, уни тўхтатди: – Тўхтанг ака, раҳбаримиз сизни сўраяпти.

Сўхбат давомида раҳбар кўнглида бор гапни тўкиб солди. Корхона истиқболи, иқтисоди, фойда-ю зараридан сўнг меҳнат муносабатларига ҳам тўхталди. Агар касба уюшма ташкилоти тузилса, раҳбариятга қаршилик, тирноқ остидан кир ахтарувчилар кўпайиб кетишидан хавотирланаётганини яшириб ўтирмади. Сирождин ака фурсатни бой бермай, янгиланган Меҳнат кодекси ва «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун ҳақида муфассал тушунча берди. Мулоқот якунида корхонада касба уюшма ташкилоти тузилиши жамоа йиғилиши кун тартибига киритилдирилган бўлди.

– Энди, ака, айбга буюрмайсиз, – деди раҳбар мийиғида кулиб. – Конституциянинг 2-моддасида нима деб ёзилган?

– Ҳа-я, унда «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамаиат ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деган жумлалар бор. Биз ҳам оддий фуқаро сифатида қабулга кириб, масалани батафсил гаплашмоқчи эдик, холос...

Корхона раҳбари уни самимий кузатиб қўйди. Кейинги йиллардаги ислохотлар сабаб металлургия ва машинасозлик саноати ҳам жадал ривожланмоқда, тармоқда корхоналар ва табиийки, уларда ишловчи ходимлар сони ҳам ошиб бормоқда. Бу жараёнда тизим корхоналарида ишловчилар манфаатини ҳимоялаш касба уюшмаларининг асосий вазифасига айланган. Хусусан, ўтган олти ой мобайнида ҳар учала вилоятдаги 19 та йирик ишлаб чиқариш мажмуасида бошланғич касба уюшма ташкилоти тузилишига эришилди. Аъзолар сони эса 4688 нафардан ошди.

– Касба уюшмалари аъзолик ихтиёрий-



Тошкент шаҳри

ШУ ЙИЛНИНГ 10 ИЮЛИДАН ЮРТИМИЗДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН «ДОЛЗАРБ 30 КУН» ТАДБИРИ БОШЛАНДИ.

Мирзо Улуғбек тумани Фақуллода вазиятлар бўлими профилактика ва назорат бўйича инспектори, катта лейтенант

Аъзолик афзалликлари

лик касб этадиган масала, – дейди Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги «Samplastservis» корхонаси ходими Жамшид Раимов. – Танловни ходимларнинг ўзига қўйиб бердик. Жамоада меҳнат қилаётган 109 нафар ходимнинг барчаси бир овоздан касба уюшмага аъзо бўлишни танлади. Бошланғич ташкилот етакчилигига бўлган сайловда уч нафар номзод орасида мени раис сифатида сайлашди.

Тармоқ касба уюшмаси таклифини қабул қилган «Электротэъмир С.К» МЧЖ, «Samar kandmaxsusvupudrat» МЧЖ, «Jizzax ADM» МЧЖларда ҳам жамоа овозига қулоқ тутилди.

Аммо меҳнаткашлар манфаати ҳусусида гап очилганда, афти бужмайдиганлар ҳам бор. Масалан, Ургут эркин иқтисодий зонасида мазкур тармоққа алоқадор 8 та ташкилот иккилик, бир қарорга келолмасдан юрибди. Самарқанддаги «Азияметаллпроф» МЧЖ, «Ермак avtomotive» МЧЖларнинг эса ваъдаси қуюғу, натижаси йўқ.

Аслида қай соҳа бўлмасин, унинг ривож, аввало, ишчи-ходимлар меҳнатига боғлиқ. Шундай экан, уларга имкон бермаслик, меҳнатини қадрламаслик адолатданми? Бугун иш берамган, маош берамган деб қарилмайдиган зamon эмас. Муносиб турмуш ва меҳнат шaroитини яратиш ҳам инсон қадрини улуғлаш эканини унутмайлик.

– Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

Мусобақа

Ғалабага интилиш иштиёқи



Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратида хизмат қилаётган хотин-қизларнинг жисмоний ва жангвор тайёргарлигини такомиллаштириш мақсадида «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бадминтон ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди. ИИВ таркибий бўлинмалари ходимлари бирлашган касба уюшма қўмитаси томонидан уюштирилган баҳсларда 120 нафардан ортиқ соҳа ходимлари қатнашди.

Яқунда бадминтон бўйича ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти 1-минтақавий ҳудуди 42-сонли манзил колонияси Тезкор-қидирув бўлими тезкор вакили, капитан Дилдора Турсуновага тенг келаётгани топилади. ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонлиги вакили, кичик сержант Ирода Утегенова шoҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олган бўлса, Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти вакили, кичик сержант Мамура Тўхтаевага учинчи ўрин nasib этди.

– Ғалабага ҳеч қачон ўз-ўзидан эришилмайди. У астойдил интилиш туфайли юзага чиқади, – дейди капитан Дилдора Турсунова. – Шу боис ҳаётини ширимга айланган ушбу ҳақиқатни доимо қадрлайман.

Шашка баҳсларида ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати катта инспектори, майор Лайло Ҳазратқулова шoҳсупага кўтарилди.

Ғолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилди.

– Михли САҒАРОВ Икром ҲАСАНОВ олган сурат.



Жиззах вилояти

ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Жиззах давлат педагогика университетида ходимларнинг дам олишини ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда бир гуруҳ ўқитувчилар ва талабалар Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди.

Сафар давомида улар қадимий, тарихий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, меъморий обидаларини кўздан кечиришди.

Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал, Фориш туманларидаги экологик боғлар, Янгиобод туманидаги «Хўжамушкент», Ғаллаорол туманидаги «Саъд ибн Абу Ваққос» зиёратгоҳларига уюштирилган саёҳатларда 300 нафардан кўпроқ ўқитувчилар иштирок этишди.

Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг диққатга сазовор жойларига ташкил этилган сафарларда эса 200 нафар ишчи-ходим қатнашди.

Бундай саёҳатлар ўқитувчилар, талабалар ҳамда ишчи-ходимларнинг нафақат дам олишлари, балки юртимиз тарихини ўрганишлари, аждоқларимиз мероси ва қадриятларига ҳурмат уйғотиши, энг муҳими, улар қалбида она Ватанга муҳаббат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Жаҳонгир МАЖИДОВ, Жиззах давлат педагогика университети касба уюшма қўмитаси раиси

Қашқадарё вилояти

ПЕДАГОГЛАР ТААССУРОТИ

Касба уюшмалари ишчи-ходимларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, кўҳна тарихимиз билан яқиндан танишиши учун қатор савобли ишларни амалга оширмоқда. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг 40 нафар ходими иштирокида уюштирилган Хоразм воҳасига саёҳат ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

– Саёҳатчилар Урганч шаҳридаги тўрт юлдузли меҳмонхонага жойлашишди, – дейди институт касба уюшма қўмитаси раиси Файзиддин Тиловатов. – Шаҳарнинг тарихий ҳамда замонавий меъморий ечимга эга экани бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Хоразм гавҳари ҳисобланган Хива шаҳрига қилинган саёҳат жуда мароқли кечди.

Бухоро вилояти

ТАШКИЛ ЭТГАНЛАРГА ТАШАККУР!

Яқинда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгаши ташаббуси билан эллик нафарга яқин соҳа ходимлари Хоразм вилоятига саёҳатга бордик.

Сафар давомида Хива ва Урганч шаҳарларидаги қадимий ёдгорликлар, меъморий обидалар билан яқиндан танишдик. Янги иншоотлар, кўнгилочар масканларни томоша қилдик. «Xorazm palace» меҳмонхонасида дам олиб, мириқиб ҳордиқ чиқардик.

Мазкур саёҳатни ташкил этган, унга бош-қош бўлган касба уюшмаларидан миннатдор бўлдик.

Фарғона вилояти

ЭСДА ҚОЛАРЛИ САФАР

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова ташаббуси билан вилоятдаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида самарали меҳнат қилиб келаётган 54 нафар устоз-мураббийнинг Хоразм вилоятига саёҳати уюштирилди.

Тўрт кун давомида саёҳатчилар тарихий қадамжолар, зиёратгоҳ ва обидалар билан яқиндан танишдилар.

– Ҳамкасблар билан поездда гурунглашиб, кўҳна шаҳарга қандай етиб борганимизни ҳам билмай қолибмиз, – дейди Охунжон Эргашев. – Саёҳатимиз бир умр эсда қоладиган бўлди. Ҳар қарчи ери тарихдан сўзлайдиган бу диёрга яна саёҳатга келишни дилимга тугиб қўйдим.

Орифжон МҲИДИНОВ, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

Андижон вилояти

УЧБУЛОҚ ЗИЁРАТГОҲИДА

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Балиқчи туманидаги Учбулоқ зиёратгоҳида бўлишди.

Масканнинг табиати сўлим, суви шифобахш. Учта булоқдан уч хил таъм билан чиқувчи оби-ҳаёт кўплаб хасталикларга даво ҳисобланади. Бу манзилга юртимизнинг турли ҳудудларидан сайёҳлар тез-тез келиб туришади. Институт жамоаси зиёратгоҳда мароқли ҳордиқ чиқаришди.

Нозоат ҚҲИЗОБОВА, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси

Эҳтиёт – шарт!

Долзарб кунлар масъулияти

Дарҳақиқат, ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олган яхши. «Долзарб 30 кун» тадбири давомида ҳар биримиз ўз уйимизда, иш ва хизмат жойларимизда газ ва электр ускуналарини доимий назоратга олишни одат қилишимиз керак. Ёнғинлар ва уларнинг аянчли оқибатининг олдини олиш учун ҳар биримиздан фақат эътибор ва огоҳлик талаб этилади, холос. Хусусан, уйдан, иш ва хизмат жойларидан чиқиб кетаётиб, барча газ ва электр ускуналарини ўчиришни, носозлиги бўлган газ ва электр ускуналаридан фойдаланмасликни, бир вақтнинг ўзида бир нечта электр ускуналаридан узайтиригичлар орқали фойдаланмасликни, ёш болаларни назоратсиз қолдирмасликни, белгиланмаган жойларда та-

Азизбек АҲМЕДОВ, Мирзо Улуғбек тумани Фақуллода вазиятлар бўлими профилактика ва назорат бўйича инспектори, катта лейтенант

Долзарб мавзу

«ЯЛАНҒОЧ» ЭРТАК КИТОБЛАРНИ ЧИҚАРАЁТГАНЛАР КИМЛАР?

ИНСОН РУҲИАТИ КИТОБ-ДАН ОЗИҚ ОЛАДИ. КИТОБЛАР ЎҚУВЧИГА ЭСТЕТИК ЗАВҚ УЛАШИБГИНА ҚОЛМАЙ, ҲАЁТ ҲАҚИДА ЖИДДИЙ ТАСАВВУРЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШИГА КЎМАК БЕРАДИ. АЙНИҚСА, ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИДА, УЛАРНИНГ ОНГИ ШАКЛЛАНИШИДА КИТОБ ЎҚИШ, ЎҚИБ БЕРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ХЎШ, БУГУНГИ КУНДА БОЛАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛАНГАН КИТОБЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАМ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРЯПМИ?! МЕНИМЧА, ЙЎҚ! БУГУННОШИРЛИКДА МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛМАЁТГАНЛАР БОР.



Яқинда болаларим учун «Хунарнинг хосияти» номли эртақ китоб сотиб олдим. Китоб «Global books» нашриётида тайёрланган ва Сирдарё вилоятидаги «Yoshlar nigohi»

ХК босмахонасида 1000 нусхада чоп этилган экан. «Сиз севган эртақлар» рункида чоп этилган мазкур китобга Феруза Қобулова муҳаррирлик, Суннат Муҳамедов эса бадий муҳаррирлик қилган.

Китоб ўз номидан ўқувчиларга мос, аммо ўн саккиз ёшдан ошганларга мўлжалланган экан, шекилли. Мен билмай болаларимга олиб қўйибман. Ундаги эртақларнинг бошини китобдан ўқиган бўлсам-да,

давомини ўқишга уялганимдан, ичимда тўқшига тўғри келди. Ҳаётимда илк бор китоб, аниқроғи, шу китобни сотиб олганимга афсусландим. Гапларим ассосиз бўлмаслиги учун мисоллар келтирсам. Китобнинг 56-бетидан ўрин олган «Сунбул ва Гул» эртақидан парча: «...Уғай она Сунбул билан Гулни тарбия қилибди. Болалар катта бўлибди. Уғай она Гулнинг ақли, чиройли бўлганидан уни яхши кўриб қолган экан. Бир кун у Гулни ёнига чақириб, уни яхши кўриб қолганини айтибди. Гул:

– Ойи, мен сизнинг ўғлингиз бўламан-ку, менга шундай гапларни айтишга уялмайсизми? Мен бундай гапларга қулоқ соладиган бола эмасман, – дебди ва хафа бўлиб уйдан чиқиб кетибди.

Хотин эри келганида йилгаб: – Кеча ўғлингиз Гул менинг ёнимга кириб, сенга ошиқ бўлиб қол-

дим, деб зўрлик қилмоқчи бўлди, – дебди...».

Яна бир мисол «Доро ва Искандарбек» эртақидан: «...шунда кампир қизнинг дуванасини ечинтириб кўришни сўрабди. Ечинтириб кўрсалар, у қизлар кийимини кийган йиғит экан.»

Яна бир эртақда эса шундай жумлаларни ўқийсиз: «Подшоҳнинг қизи бир йиғит билан гаплашиб юрар экан. Йиғитни қиз кийимида



сақлар экан. Бу сирни ҳеч ким билмас экан. Улар бир кун дарё лабида чўмилгани борибдилар. Шунда дарёдан бир катта балиқ чиқиб қараб турган экан, у қиз балиқни номҳақрам деб қоча бошлабди. Балиқ қаҳ-қаҳ уриб қулибди.»

Ё алҳазар, деб юборасиз бу сатрларни ўқиб... Наҳотки, болаларимизга шундай эртақлар ўқиб берадиган даврга ҳам келган бўлсак?.. Мен-ку, ўқитувчиман. Фарзандларимга нимани ўқиб беришни билмаман. Аммо содда, ҳали ўзи «бола» даражасидаги ёш оналаримиз бор. Улар болаларига ўқиб бермасмикан? Унда нима бўлади? Ахир китоб 1000 нусхада чоп этилган. Демак, анча-мунча уйга кириб борган.


Одатда эртақ кимга ўқиб берилади ёки уни ким ўқийди? Албатта, кўпроқ бошланғич синф ўқувчиси ёки улардан ҳам каттароқ ёшдаги мактаб ўқувчилари ўқийди. Уларнинг фитратига нотўғри ахлоқий ҳаракатлар, қаҳрамонлари ахлоқан тубан бўлган ва «эртак» деб аташга ҳам арзимайдиган тўқималарни сингдириш учун биз ўз томиримга болта урувчи манқурт бўлишимиз керак.

«Зўрлик қилмоқчи бўлди», «йигитни қиз кийимида сақлар экан...» каби жумлалар, севишган йиғит ва қизнинг дарёга чўмилишига боргани... Буларни қандай ўқиб берамиз ёки уларнинг маъносини сўраган 7-8 ёшли боламизга қандай жавоб қайтарамиз?

Кимдир ҳикоя ёки эртақ ёзиб келдим, деб нашриётга келган бўлса, буни тушуниш мумкин. Ҳар хил савиядаги ёзувчи бўлади. Аммо нашрга тайёрловчилар қаёққа қараяпти? Улар қандай қилиб, шундай бемаъни, ёшларга тарбиявий аҳамияти бўлмаган, аксинча, уларнинг тарбиясига салбий таъсир қиладиган «эртак»ларни чоп этиш даражасига боришибди? Эртақ китоб деб, ҳар нарса ни эъзавериш ёки чоп этавериш қанчалик тўғри? Бундай эртақлар болаларга нима беради? Наҳотки, шуларни «китоб» эъзаётганлар тайёрлаётганлар ҳис қилишмасми?..

Назаримда, катталар учун мўлжалланган китобларни танлашда адашиш мумкин. Аммо эртақ китобларни танлашда бундай ҳолатлар умуман бўлмаслиги шарт. «Зумрад ва Қиммат», «Эчки ва унинг болалари», «Лайлак ва чол», «Ур тўқмоқ», «Сусамбил» каби йиллар, асрлар ўтса ҳам қадрини йўқотмайдиган эртақлар бугунги кун эртақчилари учун дастуриламал вазифасини бажарса, нур устига нур бўлар эди.

Мен китобдаги ҳамма эртақлардан мисол келтирмадим, ҳолбуки, бошқаларида «талок», «кундош», «хиёнат» каби сўзларга ҳам дуч келдим. Бундай эртақлар ҳеч қачон болаларимизнинг қўлига етиб бормаслиги керак. Шу боис тегишли масъул ташкилотлар бундай китоб чиқараётганларнинг «қулоғидан чўзиб», вазиятни назоратга олишга ва зарур ҳоралар кўришга, яхши бўларди.



Озода ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Баҳмал туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси

Андижон вилояти



Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов эътиборига!

лат идоралари Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вақил – Бизнес-омбудсман руҳсатисиз текширолмайдди. Чунки қонунчилик йўл бермайди. Экология вазирлиги масъули ҳам юқоридаги каби корхоналарда тартиб-тамоийлга риоя қилинмаётганига сирдан кўзи тушган тақдирда ҳам дабдурустдан эшик тақиллатиб кира олмайди. Шундай экан, аксарият ишлаб чиқариш объеклари ўз фаолиятида «билган куйини чалишмоқда».

Экология тизими мутахассисларига кўра, Бўтақорадаги ғишт заводларининг зарарини камайтириш юзасидан иккита ечим бор. Аммо иккаласи ҳам муаммони тугал бартараф этмайди.

Биринчиси, заводларни аҳоли пункти ва йўл ёқасидан ичкарироққа – адирлик орасига кўчириш. Аммо қишлоқ аҳли аччиқ тутундан халос бўлса-да, адирликнинг нариги тарафидан шиддат билан қурилаётган ва яқин келажакда шаҳар мақоimini олажак Янги Андижон массивига кўчиб келувчилар ҳам ҳадемай юқоридаги муаммога дуч келишлари мумкин.

Иккинчиси эса заводлардаги мавжуд филтрларнинг замонавийларига алмаштирилиши ва тутун чиқадиган қувурлар қайтадан максимал даражада баланс қурилиши. Аммо бунда ҳам зиён-захмати буткул аримайди.

Айни жумлалар муаллифида эса, таъбир жоиз бўлса, жамоатчиликка маъқул келадиган, таърибадан ўтган тақлиф бор. Тўрт йил аввал иш юзасидан Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги саноат ҳудудига бордик. Мазкур ҳудуддаги ғишт ишлаб чиқариш таърибаси эътиборимизни тортиди. Яъни корхона жойлашган массив тарафидан адирлик ҳам, тупроқ қезиб оладиган майдон ҳам йўқ. Тупроқ катта юк машиналарида олисдан келтирилади. Корхонада ғиштга айлантирилиб, харидорларга етказиб берилади. Ғиштининг сифати бошқаларникидан кам эмас, нархи ҳам адир бағрида қирларни «сўриб» ётган корхоналарники билан бир хил. Шундай экан, зикр этилаётган корхоналарни махсус саноат зоналарига кўчириш масаласини ўйлаб кўриш керакдир балки? Тўғри, бу тақлиф тадбиркорларга ёқмаслиги аниқ – бироқ шу йўсунда давом этилса, табиат неъматини ҳисобланмиш адирликлар яқин йилларда тап-тақир текисликка айланмаслигига, иқлимни ўзгартиришга қодир даражага етиб келмаслигига қафо-лат борми?

Қаламга олинган мавзунинг энгил таҳлилидан хулоса шуки, экология мутасаддиларига масъулият юклар билан бирга, «қилучи қалқон» ҳам бериш керак.

Маданият ва туризм вазирлигига!

Фестивалларни ўз маконига қайтарайлик!

ХАЛҚАРО «МАҚОМ» ФОРУМИ

Тарихий манбалардан маълумки, XVIII аср ўрталарида Марказий Осиёнинг йирик маданий марказларидан бири саналган Бухоро шаҳрида сарой создалари, хонанда ва бастакорларнинг ижодий ижрочилик фаолияти жараёнида Шашмақом шаклланди. Улар Бухоро мақомлари, Бухоро Шашмақоми номлари билан юритила бошланган.

Ўзбек мақомчилигининг Хоразм, Фарғона, Тошкент сингари йўналишлари, шунингдек, ёввойи мақомлар, сурнай, дутор йўллари ва бошқалар айнан Бухоро Шашмақоми таъсирида ривожланган. Бастакорликда кенг қўлланилган тарихий жанрларнинг ноёб намуналари Шашмақом таркибиде ҳозирги давргача етиб келган.

Бундан кўриниб турибдики, Шашмақом ва умуман ўзбек мақомчилик санъатининг асл ватани Бухоро! Аммо бир неча йилдан буён «Мақом» халқаро форумига Қашқадарё вилоятидаги Шаҳрисабз шаҳри мезбонлик қилмоқда. Ушбу анжуман қўнға кентнинг халқаро сайёҳлик бозоридеги жозибадорлигини ошириш, миллий мақомчилик санъати мисолида ўзбек халқи қадриятларини кенг тарғиб қилиш, халқларо маданий алоқаларни мустақамлаш мақсадида ташкил этилгани таъкидланмоқда. Аслида Шашмақом ўз ватанида ўтказилса, мантиқан тўғри бўларди. Шаҳрисабзда эса, менимча, туризмнинг бошқа йўналишларида, айтайлик, шаҳар номи ва гўзал табиатида келиб чиққан ҳолда дам олиш туризмига доир фестиваллар ёки Темурийлар даврига боғлиқ бошқа йирик тадбирлар ўтказиш мақсада мувофиқдир.

ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ


Бахшичилик деганда, барчамизнинг кўз ўнгимизда Сурхон ва Қашқадарё бахшилари намоён бўлади. Бу табиий, албатта. Азалдан бахшичилик ушбу вилоятларда, шунингдек, Самарқанд ва Қорақалпоғистонда ривожланиб, бизгача етиб келган. Бироқ санъатнинг мазкур турига тааллуқли фестиваль Сирдарёда бўлиб ўтаётгани яна бир чалқашликни келтириб чиқармоқда. Аслида бу заминда Мирзачўлнинг машҳур қовуларчи-ю балиқчилик тармоғи билан боғлиқ аграр туризмга дахлдор сайиллар уюштирилса, сайёҳлар эътиборини кўпроқ жалб этиш имкони туғилди. Чунки бугунги кунда туризмнинг энг ривожланиб бораётган сердаромад тури озиқ-овқат туризми саналади. Бахшичиликни эса воҳаниннг ўзига қўйиб берган маъқул.

ИПАК ВА ЗИРАВОРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Хўш, бу маъсулотларнинг Бухорога қандай дахли бор?.. Тўғри, Бухоро Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган. Бундан минг йиллар муқаддам у ерда машҳур занданичча номли ипак матоси ишлаб чиқарилиб, бутун дунёга экспорт қилинган. Лекин, минг таассуфки, бугунги кунда вилоятда ўтказилаётган Ипак ва зираворлар фестивалининг ўша матога ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу мато ҳақида фестивал доирасидаги бирор тадбирда эсланмайди ҳам.

Байрамда асосан воқийлик атласи ва адресчи ҳунармандлар ўз маъсулотлари билан қатнашади. Зираворлар савдо-сотини эса самарқандлик савдогарлар зиммасига юклатилади. Бор ҳақиқатни рўй-рост тан оладиган бўлсак, Бухоронинг асосий ҳудуди қўллардан иборат бўлгани тўғрисида бу маъсулотларни етиштиришнинг имкони йўқ. Чунки у ерларда саксовул ва шувўқ сингари доривор ўсимликлар учрайди, ҳоло. Қолаверса, зираворлар тоғ ён-бағрида ўсишини инобатга оладиган бўлсак, бу фестивални Самарқанд, Тошкент вилояти ва бошқа тоғли ҳудудларда ўтказиш айни мудоаодир.

Биз юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, соҳа мутасаддиларига қарата шундай демоқчимиз: қандайлигидан қатъи назар, фестивалларни ўз ватанига қайтаринг!



Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

АНДИЖОН АДИРЛАРИДА ПАЙДО БЎЛАЁТГАН ХАВФ

Баҳорда Андижон туманининг Бўтақора қишлоғи адирликларини қизил гиламдек қоплаган лолацизғалдоқлар наинки вилоят аҳли, балки бошқа ҳудудларда яшовчи юртдошларимизни ҳам ўзига оҳанрабодек тортиди.

Икки ҳафта давомида узок-яқиндан ўн минглаб одамлар лолацизғалдоқ сайлига келиб, табиат неъматларидан баҳра олишди, суратларга тушиб, ижтимоий тармоқларга жойлашди. Ҳатто Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов ҳам айни манзаралар акс этган расмларни ўзининг фејсбукдаги саҳифаси орқали эко-туризм имкониятларини ўлароқ кўз-кўз қилиб, Андижонда лолацизғалдоқ сайли бошланганига урғу берди.

Аммо лолацизғалдоқлари билан машҳур бўлган Бўтақора қишлоғига Азиз Абдуҳакимовнинг ўзи ҳеч қадам ранжида қилганмикин? Бизнингча, вазир сифатида асл вазият билан танишиб, хулоса бериб кетишига катта зарурат бор.

Гап шундаки, вазир виртуал олам орқали мақтаган мусоффо қирлардан икки километр нарида қатор ғишт ишлаб чиқариш объекти қуриб берибди. Кейинги ўн икки йилда Бўтақора қишлоғи адирликлари эстагида кетма-кет ғишт ишлаб чиқариш заводлари пайдо бўла бошлади. Кўмир билан фаолият юритишга ихтисослашган мазкур объектлар сони бугунга келиб 12 тага етди. Барчаси – маҳаллий тадбиркорларга тегишли.

Бугун нима кўп – янги иморатлар кўп. Қурилиш бозориде ғиштга талаб катта. Шу маънода ҳукуматнинг мазкур турдаги фаолият билан шуғулланаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашини тушуниш керак. Бироқ ғишт тайёрлаш корхоналари ўз фаолиятида экологик талабларга нечоғли жавоб бераётгани билан боғлиқ жиҳат эътибордан четда қолаётди.

Бўтақора адирликлари кучоғидан жой олган корхоналарнинг аксарияти аҳоли яшаш уйларида 300-500 метр масофада жойлашган. Ҳатто заводларнинг бири 200 нафарга яқин эркаклар, жумладан, қариялар истиқомат қиладиган «Муруват уйи» ҳовлиси билан қарама-қарши жойлашган. Ана энди гуриллаб ишлаётган завод томондан иссиқ шамол билан қўшилиб эсувчи кўмир исидан нафас олаётган одамларнинг аҳволини кўз олдингизга бир келтириб кўринг.

20 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган қишлоқнинг «Бешпахлавон», «Маориф», «Намуна», «Дехқон» маҳалларида жойлашган кўпга хонадон эгалари касби-коридан ортиб, далада шоли, томорқасида эса сара мевалар, хусусан, гилос парва-




риши билан шуғулланишади. Бундан 20-25 йилча бурун ҳам Бўтақорада етиштирилган гилоснинг харидори бисёр, ҳатто тонна-тонна мева хорижга экспорт қилинарди. Айни пайтга келиб, парвариш жараёнида манаман деган агрономларнинг маслаҳат-тавсиялари ҳам кор қилмаяпти – гилослардан маза қочди, шакл-шамойили ҳам бурунгидай эмас. Томорқада етиштириладиган помидор хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Билгичлар мева-сабзавот сифати ва ҳосилдорлигига жиддий пугур етаётганини ғиштонларнинг «каромати» билан боғлашмоқда.

Сўз бораётган масала боғдорчилик юмушлариғаки, шунчалик таъсир қиладиган экан, маҳаллий аҳолининг саломатлигига ҳам жиддий зиён-захмат етказаятган бўлиши мумкинми? Албатта, мумкин. Бироқ заводларнинг саломатликка таъсири юзасидан тўлиқ ўрганишлар ўтказилмаган ёки ўрганилган бўлса-да, жамоатчиликка маълум қилинмаган.

Бу жумлаларни ўқийётган ўқувчи кўнглида ғишт хумдонлариде ёқилаётган кўмирнинг бурқсиган тутуни муттасил тарзда теварак-атрофга таралиб турса-да, нега ваколатли идоралар мум тишлаяпти, деган савол туғилиши табиий. Ҳамма гап шунда, яъни экология ва атроф-муҳит муҳофазасига масъул идоранинг «тиш-тирноғи» йўқлигида!

Юқорида корхоналарнинг тадбиркорлик субъекти эканини таъкидладик. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эса дав-



Нурилло НУЙМОНОВ
«ISHONCH»

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Денов тумани тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси раиси **Зафар САИДОВ** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақилларига ҳамдардик изҳор этади.



Шахмат – шаклан ўйин, мазмунан санъат ва ўйинни ўзлаштириш нуқтаи назаридан фандир.

Тигран ПЕТРОСЯН

Юртимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлоднинг шакллантириш ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган спортнинг шахмат турига ёшларни кенг жалб этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Президентимизнинг 2021 йил 14 январдаги «Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Сўнгги бир йил давомида шахматчиларимизнинг халқаро аренадаги улкан ғалабалари туфайли Ўзбекистон 2022 йилнинг энг яхши шахмат мамлакатидеб эътироф этилди ва «Tour D'or» – «Oltin minora» соврини Ўзбекистон шахмат Федерациясига топширилди.

Халқаро шахмат Федерацияси – ФИДЕ томонидан тuzиладиган жаҳон шахмат рейтингидеб Ўзбекистон илк бор кучли йигирматаликка кирди. 2022 йил июль



Самарқанд вилояти

МАҚБАРАГАЧА ЭМАКЛАБ БОРГАН ШАЙХ ВА ТОНГГАЧА ҚИЛИНГАН ТИЛОВАТ...

Собиқ иттифоқ даврида Имом ал-Бухорий меросига эътибор қаратилишига нима сабаб бўлган эди?

20 июль – ислом оламидаги энг улуғ шахслардан бири Имом ал-Бухорий таваллуд топган кун. Буюк муҳаддис пайғамбаримиз билан бўғлиқ деярли барча ҳадисларни тўплашга муваффақ бўлган ва шу орқали авлодларга қимматли билимларни қолдирган.

Ислом оламида улуғ муҳаддиснинг хизматлари ва обрў-эътиборини инкор этиб бўлмасда, собиқ Иттифоқ даврида бир ҳодиса юз берганга қадар буюк олим меросига деярли эътибор йўқ эди.

Бундан 10 йил аввал таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов менга ана шу воқеа ҳақида батафсил гапириб берган эди.

Профессорнинг сўзларига кўра, бу воқеа 1956 йил май ойининг бошларида содир бўлган. Айнаи ушандан бошлаб собиқ шўро давлати амалдорларининг Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий шахси ва бебаҳо меросига муносабати тубдан ўзгарган.

Тарихий маълумотларга кўра, ўшанда ислом оламидаги нуфузли шахслардан бири, Ливан бош муфтийси шайх Надийм ал-Жиср расмий ташриф билан Совет Иттифоқига келган.

КПСС Марказий Кўмитаси ушбу ташрифга алоҳида эътибор қаратган. Бу хорижлик диний етакчининг Иккинчи жаҳон урушидан кейин Фарб давлатларининг тўғридан-тўғри рақибига айланган СССРдек давлатга биринчи ташрифи эди.

Қолаверса, ўша пайтда хорижда СССРдаги ҳокимият ислом динининг ривожланишига ҳар томонлама тўқтинлик қилаётгани тез-тез айтилар эди. Партия бошлиқлари ливанликларни қўллаб-қувватлаш орқали бунинг аксини исботламоқчи бўлишди ва шунинг учун улар ливанлик шайхнинг ташрифига узгача эътибор қаратишди.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнгра партия етакчилари меҳмонни Москва ва Ленинграднинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюришга тақлиф қилишган. Аммо шайх болаликдаги орузи – ўз



юртида катта ҳурмат билан қараладиган Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қабрини зиёрат қилиш эканини айтиб, бу тақлифга рад жавобини берган.

Совет давлатининг партия раҳбарлари елка қисиб қўйишди, чунки улар Шарқнинг бу буюк мутафаккири ҳақида, айниқса, унинг қабри ҳақида мулақо маълумотга эга эмас эдилар. Коммунистик мафкура атеизмни ҳар қандай воситалар билан тарғиб қилган бир даврда бу табиий ҳодиса эди.

Лекин, мақолда айтилганидек, меҳмоннинг иродаси қонун. Расмийлар ҳаяжонга тушишди. Кимдир Бухорога кўнги-роқ қилиш керак, дейди, чунки алломанинг исми «Имом ал-Бухорий...» деб ёзилган эди.

Аммо Бухородаги раҳбарлар буюк мутафаккирнинг қабри Самарқанд яқинида экани, аммо жуда ачинарли аҳволда, дея жавоб беришди. Тўғрироғи, у қолхознинг кимёвий ўғитлар омиборига айланган атрофи чиқиндиҳона эди.

Баҳс авж олади. Мулозимлар маслаҳатлашиб, шайхни Тошкентга поезда, у ердан Самарқандга енгил машинада жўнатиш керак, деган хулосага келишди. Шу билан бирга, меҳмоннинг сеҳратини шундай ташкил қилиш керакки, улуг дин арбоби Самарқандга кечаси етиб бориши керак. Шунда у тун қоронғусида қабр атрофидеги ҳақиқий ҳолатни пайқамайди.

Меҳмон Ўзбекистонга келгунига қадар Имом ал-Бухорий қабрини тозалаш ва унга олиб борувчи йўлни тартибга солиш учун 3-4 кун мутасаддиларнинг ихтиёрида бўлади.

Бу ҳақда Ливандан келган меҳмонга айтишганида у: «Мени туяга миндирсангиз ҳам, ўша ерга олиб борсангиз бўлди», деб жавоб беради.

Айни пайтда Пайариқ туманидаги Хартанг қишлоғида уч кунлик умумхалқ ҳашари ташкил этилади. Уч юз нафардан ортиқ одам ва ўнлаб техникалар кечю кунду ишлади. Қабр ва йўл чиқиндилардан тозаланади. Йўл шағал билан қолинади. Дастурга кўра, шайх Надийм ал-Жиср республиканинг маҳаллий раҳбарлари ва дин арбоблари ҳамроҳлигида Самарқандга кеч тунда етиб келади ва дарҳол Хартанг қишлоғига шомилади.

Қабргача 300 метр масофа қолганида, меҳмон машинани тўхтатишни буюриб: «Илтимос, мени холи қўйинг. Бу ёғиға пиеда бораман», дейди. Маҳаллий амалдорларни ҳайратда қолдириб, трактор ва машиналар чироклари остида шайх кўзларидеб ёш билан қабрнинг чегарасигача юради, сўнг тиз чўкиб, қабр томон эмаллай бошлади. Қабрга етиб келганидан сўнгра 6 соат давомида, тонг отгунча, буюк муҳаддис хотирасига бағишлаб Курьон тиловат қилади.

Бу вақтда келиб тонг отади ва шайх

қабристон атрофидеги «манзараларни» кўриб, қайғуга ботади ва мезбонлардан сўрайди: «Сизлардан қайси бирингиз энг катта бошлиқ? Агар у сизларнинг орангизда бўлмасе, мени унинг олдига олиб боринг», дейди.

Меҳмон Тошкентга, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ядгора Насриддинова хузурига олиб кетишди. Я.Насриддинова меҳмоннинг буюк мутафаккир шахсига бундай юксак эътибори сабаби билан қизиқади.

Надийм ал-Жиср шундай жавоб беради: «Имом ал-Бухорий китоблари нафақат Ливанда балки бутун ислом оламида жуда машҳур. Унинг қабрининг аянчли аҳволини кўриб, ҳалигача ўзимга келмаймаман. Шунинг учун Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қабрини сотиб олмоқчиман. Ҳукуматингизга шу муқаддас жойнинг ҳажмида етарлича олтин берман».

Албатта, ҳеч ким қабрни шайхга сотмаган, аммо бу воқеадан сўнгра КПСС Марказий Кўмитаси Сиёсий Бюроси ва ССР Министрлар Совети дунё мусулмонлари учун муқаддас бўлган бу зиёратгоҳни ободлаштиришга киришадилар. Мутафаккир қабри устига кичик гўмбаз ўрнатилиб, унинг ёнида масжид қурилади. Йўл бироқ кенгайтирилиб, шағал билан қолинади.

Шарқнинг буюк мутафаккири Мухаммад ибн Исмоил Имом ал-Бухорий асарлари мустақиллик даврида мамлакатимизда ўзининг муносиби ўрни ва баҳосини топди.

Кейинги йилларда эса давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори билан буюк муҳаддис аждодимиз меросига эътибор янада юксалди. Ҳозир Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси ҳудудидега улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Даврлар таққосида шукроналикни ҳис этамиз. Улуғ аждодларимиз, дунёга нур улашган бобокалонларимиз меросидан баҳраманд бўлиш, уларни чуқур ўрсаниш, шунинг баробарида улар билан фахрланишдек саодатга эгамиз.

Ўрнатилган
Рустамов,
журналист

20 июль – Халқаро шахмат кун

Оламини мот айлаётган ўзбек ўғлонлари



айтилишича, Соҳибқирон умрининг сўнги кунларига қадар деярли ҳар кун шахматга вақт ажратган. Ўзбекистонлик йигитлар буюк Амир Темур лашкарларидек моҳирона от ўйнатыпти... Бу каби самимий эътирофлар бежиз эмас. Зотан, сиёсий курашлар шахмат тахтасидеги жангга ҳар ҳафтадан ўхшайди. Спорт тури сифатидаги ўйиндан мақсад рақиб шохини мот қилиш. Оқ ва қора рангдаги 64 та катакли сатҳда икки томон 16 тадан иборат «қўшин» билан «жанг қилади». Музаффарлик туғини баланд кўтариш учун узоқни кўра билиш жоиз. Бунинг учун эса зеҳну заковат даркор.

Соҳибқироннинг тожи ўз вақтида ер узининг уддан бир қисмига нур сочган бўлса, 2004 йил Рустам Қосимжоновнинг, 2022 йил «Фантастик бешлик» ёхуд «Oltin avlod»нинг ғалабаси сайёрамиз сарҳадларига ёйилгани бежиз эмас.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шахмат Уччинчи Ренессанс пойдеворини қуриш бахтига муяссар бўлаётган ёшларнинг шахсияти ва интилишларида муҳим ўрин тутади. У интеллектуал ривожланиш, рақобатбардошликни ривожлантириш ва интизомни тарбиялаш воситаси сифатида қадрланади. Шахмат бўйича тизимли таълим, жамоатчиликнинг кучли қўллаб-қувватлаши Ўзбекистонда ёшлар орасида шахматга бўлган иштиёқни ошироқда, улар эришаётган ғалабалар эса Янги Ўзбекистоннинг номини дунёга тараннунг этмоқда.

Малика ТОЛИПОВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази масъул ходими



МУАССИС:



2007-йил 11-январда
Ўзбекистон
Matbuot va axborot
agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalari
tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hayati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqsim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAROVA,
Anvar QULMURADOV

(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),
Mehiddin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalar hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-71

**Hududlardagi
mxbirlar:**

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta
nomi ko'rsatilib shart.
Muallif fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir
A. Haydarov
Musahhih
D. Xudoyberganova
Shahflovchi
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:50
Topshirildi – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021-0000 0004 3052 7001,
ATIB «Poteka bank»
Yashnobot filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
computer markazida
teriladi va shahfalandi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma **G-713**
Nashr ko'rsatkichi: **133**
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30372

14042 nusxasi «Sharq»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmasxonasida
chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri,
Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Сабоқ

ҲАЁТ ХИҚМАТИ

Ёшлик – умр баҳори. Бу даврда олинган билим, ўрганган ҳунар, эгалланган малака инсонга умр бўйи ҳамроҳ бўлади. Аксинча, бу даврда ортирилган иллат инсонни бир умр таъқиб қилиши мумкин.

Шу аснода Жалолiddин Румийнинг бир ҳикояти ёдга тушмоқда.

Ривоят қилинишича, бир киши йўл бўйига тиканли бута экиди. Тиканлар ўсиб йўловчиларга озор бера бошлади.

Одамлар: «Сен тиканларингни йўлдан йўқотгин!», дейишди.

Лекин у ҳеч қимни тингламади. Тиканлар кундан-кун ўсиб, ўтган-кетганнинг кийимини йиртар, оёқларига қадалиб, қонатиб юборарди.

Волий тиканли буталарни йўқотиши ҳақида амр қилди.

У: «Хўп бўлади, эртага барини юлиб ташлайман», деди. Лекин буғун, эрта деб баҳона қилверди. Тиканлар ўсиб, кўқариб, қуватланди.

Волий: «Эй гапидега турмайдианг инсон! Амримизни бой қелтир, сабримизни синам!» деди.

Тикан эккан: «Хавотир олмаг, олдимизда ҳали кунлар кўп-кў. Ушаларнинг биринида юлиб оламан», деб жавоб қилди.

Волий: «Сен бунинг эр-тага қилман деясан-у, аммо тиканлар кун сайин қуватланишяпти. Уларни юлиб оладиган ҳам қарияпти, қуватдан қолляпти!» деди.

Хулоса шуки, ёмон ҳулқлардан вақтида воз кечайлик. Эгу амаллар, яхши ҳунарларга ошно бўлайлик. Токи ҳаёт уммонидега сузиш, жамиятда ўз ўрнимизни топшишимизда улар бизнинг ҳаёт йўлларимизни ёритсин, умримизга мазмун бахш этсин.

Гулираъно
ЮНУСОВА